КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯ-МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙЛАШУВИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Дилнозахон Абдулхаевна Комилова
Андижон давлат университети
Мактабгача таълим факультети мустақил тадқиқотчи

АННАТОЦИЯ

Мақолада катта мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш мазмуни, уларда нутқни ривожлантириш моҳияти ва хусусиятлари таҳлил этилган. Олимларнинг болаларда нутқ ривожланишида билиш фаолияти, қизиқишнинг ўрни хусусидаги илмий ғоялари келтирилган.

Калит сўзлар: коммуникатив, компетенция, комплекс, ижтимоий тажриба, диалогик нутқ, мотив, ва цивилизация,нутқий маданият,аспект.

COMMUNICATIVE COMPETENCE IS AN IMPORTANT FACTOR OF SOCIALIZATION OF PRESCHOOL CHILDREN

Dilnozakhon Abdulkhayevna Komilova
Andizhan State University
Independent Researcher, the Faculty of Pre-School Education

ABSTRACT

The state analyzes the content of the formation of communicative competences in high school students, dryness and specificity of speech development in nyx. The scientific ideas of scientists about the role of communication in the development of speech in children are presented.

Keywords: communicative, competence, complex, social experience, dialogical speech, motive, civilization, speech culture, aspect.

КИРИШ

Бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларни комплекс ривожлантириш орқали уларни мактаб таълимига интенсив тайёрлаш масаласи долзарб саналмоқда. Мазкур ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш мактаб таълимига тез ва самарали ижтимоийлашиш омили ҳисобланади. Коммуникатив компетенция ижтимоий тавсифга эга бўлиб, уни

болаларда шакллантириш учун умумдидактик, хусусий тамойилларга ва инновацион ёндашувларга асосланган жараённи ташкил этиш тақозо этилади. Ушбу жараённинг технологик тузилмаси ва дидактик таъминоти педагогларда касбий компетенциялар ва нутқий маданиятнинг шаклланганлигига ҳам бевосита боғлиқдир. Санаб ўтилган вазифалар мактабгача таълим мазмуни, унга қўйилувчи давлат талаблари кўлами доирасида амалга ошади.

Давлат талабларида мактабгача ёшдаги болалар ривожланишининг соҳа компетенциялари таркибида коммуникатив компетенциялар алоҳида мезон сифатида белгилаб берилган. Шу билан боғлиқ ҳолда бажарилиши режалаштирилаётган тадқиқот давлатнинг ижтимоий буюртмаси талабларини бажаришга оид вазифаларни кўзда тутади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг мулоқотга киришиши, сўз бойлиги даражаси ва улардан кундалик нутқий муҳитда қўллаш ҳолатларини ўрганишга оид илк кузатув ишлари орқали, мавзунинг долзарблигини қуйидаги ҳолатлар билан асослаймиз:

- катта мактабгача ёшдаги болаларда луғат бойлигининг мактабда ўқитиладиган умумтаълим фанларини эгаллаш учун етарли эмаслиги;
- болаларнинг ўз фикрини эркин ифодалаш, нутқий муҳитга мос сўзлашиш кўникмаларини ривожлантиришга оид дидактик таъминотнинг етарли эмаслиги;
- ота-оналарнинг ўз фарзандини мактаб таълимига нутқий жиҳатдан тайёр бўлиш мезонлари ва талабларидан етарлича хабардор эмасликлари;
- МТТ педагоглари томонидан коммуникатив компетенциянинг ижтимоий –руҳий аспектлари тўлиқ англанмаётганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоийлашишида ижтимоий тажрибанинг таъсири беқиёсдир. Болалар катталарга тақлид асосида турли фаолиятларни мустақил, бошқаларини эса, ўзгалар ёрдамида ўзлаштиришга эришадилар. Ижтимоийлашиш натижасида болалар атрофдаги шахслар каби маданият ва цивилизацияга уйғунлашади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоийлашувида эса, коммуникациянинг ўрни беқиёсдир. Бола нутқдан ўз фикри, ҳис-туйғуларини ифодалаш, яъни атрофдаги инсонларга таъсир қилиш учун фойдаланади. Бунда нутқнинг ифодалилиги, эмоционал ва боғланган бўлиши муҳимдир. Мактабгача катта ёш даврда нутқий ривожланишнинг муҳим вазифалари ҳал қилинади: луғатнинг бойиши, нутқий маданият, нутқнинг грамматик қурилиши, боғланган нутқнинг ривожланиши. Шунингдек, диалогик нутқ ривожлантирилади: аниқ, ифодали, мазмунли гапира олиш; суҳбатдошни тинглаш, уни тушунишга ҳаракат қилиш, бировнинг сўзини бўлмаслик; бир мавзудан бошқасига сакрамаслик ва ҳ.к.лар.

Аввалдан болаларнинг саволлари қизиқувчанлик, билишга қизиқишларини намоён бўлишининг асосий шакли ҳисобланган. А. И. Сарокина, М. М. Рубинштейн тадқиқотлари болаларнинг саволлари асосида турли мотивлар ётишини аниқлаганлар. Муаллифлар 2 гуруҳ саволларни ажратади: билиш ва коммуникатив. Бола коммуникатив саволларни катталарни диққатини ўз кечинмаларига жалб қилиш, улар билан алоқа ўрнатиш мақсадида берадилар. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг саволлари асосида билиш мотиви ётади: ўз қизиқишлари кучидан, билимлари етарли эмаслигини сезганларида, уларни тўлдириш, аниқлаштириш, янгисини эгаллаш мақсадида берадилар.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг қизиқишларига тенгдошларининг тажрибаси ҳам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки болалар ўртоқлари билан ўйнаганда, сухбатлашганда кўрганларини ёки ким биландир бажарган бирон бир фаолиятини айтиб, ўртоқларини натижага қизиқтириши мумкин. Натижада улар биргаликда режа тузиб, у ёки бу ҳаракат(ўйин, предмет ясаш, чизиш ва х)ни мустақил амалга оширишга киришадилар. Бироқ айрим болалар ҳаракат бошламасдан аввал тарбиячи ёки катталарга саволлар бериб, ўз режаларини ошкора қилиши мумкин. Шу вазиятда тарбиячи олдиндан бола нимани хоҳлаётганини, бу хоҳиш нимага ва қандай натижага олиб бориши мумкинлигини пайқаб, техника ва ҳаёт хавсизлигини таъминловчи йўл-йўриқлар ёки тақиқловчи кўрсатмалар (чунки агар бола ток, кўчага чиқиш, пичоқ билан кесиш ва х. лар билан боғлиқ ҳар хил саволлар берса) бериши лозим.Саволлар болада бевосита предмет ёки ҳодиса билан танишиш, катталар ва тенгдошлари билан мулоқот қилиш, кўпинча ўзининг мустақил мулоҳаза юритиши

натижасида пайдо бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларни нима қизиқтиради? Болалар ўзи қизиққан нарсани билиб олиш учун ҳар хил саволлар билан мурожаат қилади. Психологларни кўрсатишича, болалар саволлари берилмаган соҳанинг ўзи йўқ. Вақт ўтиши билан саволлар шаклан ўзгаради. 2-3 ёшдаги бола предметнинг номи, унинг хусусияти ва сифати билан қизиқади. Катта ёшдаги (5-6 ёш)болаларнинг саволлари теварак-атроф, табиатдаги ўзгаришлар, предмет ва ҳодисаларни боғловчи тасаввурларни аниқлаштиришга хосдир. Уларнинг саволлари предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқа: таасуротларни тизимлаштириш, улар ўртасида ўхшашлик, умумийлик ва фарқни топишга қаратилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Болаларнинг саволларига қандай жавоб бериш керак? Болалар ҳаммага ҳам савол бермайдилар, фақатгина уларнинг ишончларини қозонган инсонларгагина берадилар. Улар кўпинча уларни диққат билан тинглаган, қизиқарли ва жиддий жавоб берганларга савол берадилар.

Бундай вазиятларда катталар олдига қўйиладиган талаблар:

- уларга ҳурмат ва ҳимоя муносабатида бўлиш;
- савол мотивини тушунишга, боланинг нимага савол беришга ундаган сабабларни англашга ҳаракат қилиш;
- билиш учун берилган савол, бола учун катталарни мулоқот қилишга, эмоционал ҳолатига диққатини жалб қилишга хизмат қилувчи сабабдир;
- боланинг қизиқувчанлигини йўқотиб қўйдирмаган ҳолда жавоб бериш керак;
- жавоб аниқ ва қисқа бўлиши керак;
- боланинг ақлий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш ва унинг ҳаётий тажрибасига мурожаат қилиш керак;
- агар, боланинг саволлари етарли билимнинг йўқлиги билан боғлиқ бўлса, бу бўшлиқни бартараф этиш учун шароит яратиш лозим. Бунинг учун кузатув ташкил этиш ёки керакли китобни ўқиб бериш, муаммоли вазиятлар ташкил этиш болаларда мустақилликни шакллантириш жараёнини тезлатади. Чунки муаммоларни ечиш орқали болалар ўзлари ўзини қизиқтирган жавобга етиб келишади.Натижада уларда коммуникатив кўникмалар шакллана бошлайди. Бу эса бевосита коммуникатив компетенцияни ривожланишига замин яратади.

ХУЛОСА

Мазкур йўналишда олиб борилган илмий тадқиқот ишимиз қуйидаги хулосани асослашга ҳизмат қилди. Яъни мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенция шаклланган бўлса, мактаб таълимига тайёр бўлади ва у янги муҳитга қийинчиликсиз мослашади. Қачонки мактабгача катта ёшдаги бола мактаб таълими учун зарур кўникма ва малакалар билан қуроллансагина таълим мазмунига қўйилувчи давлат талабларининг бажарилишига эришиш имконияти яратилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. 2017- 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор. 29.12.2016 й., ПҚ-2707, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 11-модда, 35-сон, 923-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор. 9.09.2017 й., ПҚ-3261, «Халқ сўзи» газетаси. 2017 й., 11 сентябрь. 181 (6875)-сон.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 8.05.2019 й., ПҚ-4312. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон.
4. Аблитарова, А. Р. Развитие и формирование познавательного интереса у детей дошкольного возраста как психолого-педагогическая проблема.// Педагогическое мастерств: материалы IX Междунар. науч. Конф.М.: Буки-Веди,2016.С. 107-110.
5. Поддьяков. А.Н. Развитие исследовательской инициативности в детском возрастетема. Дисс д.пс.н. М.:2001-350 с.
6. Рубинштейн, С. Л. Основы общей психологии.Питер.-2013- 713с.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. 2017- 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор. 29.12.2016 й., ПҚ-2707, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 11-модда, 35-сон, 923-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор. 9.09.2017 й., ПҚ-3261, «Халқ сўзи» газетаси. 2017 й., 11 сентябрь. 181 (6875)-сон.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 8.05.2019 й., ПҚ-4312. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон.
4. Аблитарова, А. Р. Развитие и формирование познавательного интереса у детей дошкольного возраста как психолого-педагогическая проблема.// Педагогическое мастерств: материалы IX Междунар. науч. Конф.М.: Буки-Веди,2016.С. 107-110.
5. Поддьяков. А.Н. Развитие исследовательской инициативности в детском возрастетема. Дисс д.пс.н. М.:2001-350 с.
6. Рубинштейн, С. Л. Основы общей психологии. Питер.-2013- 713с.